

Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 7219 тани ташкил қилди.

2016 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 37,6 фоизи (2015 йил январь-сентябрда 37,2 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2016 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 254,0 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 60,0 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 206,0 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркор, 48,0 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1553,1 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 19,9 фоизи) ёки 2015 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 116,8 фоизни ташкил қилди;

- 1673,0 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklarининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 6,6 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқлари ялпи маҳсулотининг 97,6 фоизи) ташкил қилди.

- 403,3 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 18,9 фоизи) ўзлаштирилди ва 2015 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 29,3 фоизга ўсди;

- 701,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 77,3 фоизи) бажарилди ва 2015 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 13,9 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 6,6 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 46,8 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 14,5 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 74,4 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 94,2 фоизи ёки 2490,9 млрд. сўми (ўсиш 18,6 фоиз) хизматлар умумий ҳажмининг 70,7 фоизи ёки 1375,1 млрд. сўми (ўсиш 17,2 фоиз) шакллантирилди;

- 84,3 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 27,1 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 31,9 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 12,1 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2016 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1673,0	100,0
Саноат	1553,1	76,6
Қурилиш	701,7	62,6
Чакана савдо	2490,9	91,4
Юк ташиш, млн тн.	20,9	54,8
Йўловчи ташиш, млн.киши	128,4	88,8
Экспорт, млн. АҚШ долл.	84,3	17,1
Импорт, млн. АҚШ долл.	31,9	2,6

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

